

Тошкент ш.

12 декабрь .2022 й.

Кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи "УШМНҚ РУРО" МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Юсупов З.У бир томондан, ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи "Махсус суғориш ускуналарини таъмирлаш в сақлаш ихтисослаштирилган бошқармаси" номидан Устав асосида иш юритувчи бошқарма болиги А.А.Юлдашев, кейинги ўринларда биргаликда "Томонлар" деб юритилувчилар, мазкур пудрат шартномасини куйидаги ҳақида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган УСТРОЙСТВО СИСТЕМЫ ПОЛИВА ПО УЛ. ШИРИН НА 12 КВАРТАЛЕ ЧИЛАНЗАРА (кейинги ўринларда объект деб юритилади) сунъий суғориш тизимини монтаж қилиш мажбуриятини олади (ЛОТ №22110012198215), Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар, давлат божларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан 98 500 000 (туқсон саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади,

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл қўйилади.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- монтаж ва бурғулаш ишларини олиб бориш давомида сифатли, лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ материалларни ишлатишга ва бажариладиган ишларни ўз ҳисобидан материаллар билан таъминлашга;

- монтаж ва бурғулаш ишларини олиб бориш учун ўз кучи ва ҳисобидан керакли рухсатномалар ва хулосалар олишга;

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва Буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;

- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ монтаж ва бурғулаш ишларини амалга оширади;

- зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси ва ишлатилган машина — механизмлар нарҳига ваколатли идора (ташкилот, орган) нинг экспертиза хулосаси ва Буюртмачининг розилиги асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни мазкур шартноманинг 5.2-бандида белгиланган муддатларда, монтаж ва бурғулаш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;



- объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

- монтаж ва бургулаш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

- монтаж ва бургулаш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. Монтаж ва бургулаш ишларини бажарилиши бўйича якуний Ишларни қабул қилиш далолатномаси Тарафлар томонидан имзолангунга қадар ишлар натижаси тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома бўйича аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган монтаж ва бургулаш майдонини ишлар тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига беришга;

- ишлар бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- мазкур шартноманинг 6.1-бандига мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### V. Ишларни бажариш муддати

5.1. Пудратчи мазкур Шартноманинг 6.1.-бандига кўрсатилган биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб **1 (бир) ой муддат ичида** амалга оширилади.

5.3. Монтаж ва бургулаш ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни **бажариш жадвали** келишиб олинади ва у томонлар тарафидан имзоланиб, корхона муҳри билан тасдиқланади.

#### VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30%** миқдорида, аванс ўтказди, бу **29 550 000 (йигирма тўққиз миллион беш юз эллик минг) сўмни** ташкил этади.

6.2. Бажарилган ишлар сифати текширилиб Якуний ишларни қабул қилиб олиш далолатномаси Тарафлар томонидан имзолангандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишлар умумий қийматнинг қолган **70%** миқдори тўлаб берилади.

#### VII. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи иш майдонида 3 нафар вакилларида иборат – Техник аудиторлик гуруҳини тайинлайди (кейинги ўринларда “аудиторлар”), улар Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Аудиторлар ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.



- 7.3. Пудратчи Аудиторлар ишлаши учун жой билан таъминлайди. Аудиторлар Пудратчи томонидан ўтказиладиган монтаж ва бургулаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
- 7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
- 7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ваколатли давлат ташкилотлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
- 7.6. Иш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
- 7.7. Буюртмачи иш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига иш натижасида юзага келадиган ахлатини жойлаштириш олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
- 7.8. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- 7.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
- 7.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
- 7.11. Иш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
- 7.12. Пудратчи ўзи томонидан ишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
- 7.13. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва тегишли ваколатли давлат ташкилотини ёзма равишда хабардор қилади.
- 7.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг тегишли ваколатли давлат ташкилоти билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
- 7.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
- 7.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- 7.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг иш натижаси сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
- 7.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва иш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- 7.19. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
- 7.20. Пудратчи иш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, иш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.



7.21. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган сновлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қоллишлар, монтаж ва бургулаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек иш тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эгтирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **VIII. Корруцияга қарши талаблар**

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиҳ ва риоя этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

## **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.4. Агар томонлар икки ой ичида келишаолмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **X. Шартномани бекор қилиш**

### **10.1. Буюртмачи:**

- шартнома кучга киргандан кейин ишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари монтаж ва бургулаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **10.2. Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан тўлов шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.



10.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган монтаж ва бургулаш ишлари бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

10.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

10.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XI. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

11.1. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4% фойз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги лозим.

11.2. Пудратчи ишларни ўз вақтида тугатиш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фойзи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги лозим.

11.3. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фойзидан ошмаслиги керак.

11.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, монтаж ва бургулаш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи ваколатли давлат ташкилотлари ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

### **12.1. Пудратчи:**

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиҳа-смета ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари, сунъий суғориш тизими монтажи ва ер ости сувларига қудуқ бургулаш нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

- ўзи томонидан ишларни бажариш учун қўлланиладиган материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида сунъий суғориш тизими ва ер ости сувларига қудуқдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

- ишлар натижаларидан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Бажарилган ишлар натижалари ва уларга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар якуний бажарилган ишлар натижаларини қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар ишлар натижаларидан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар



аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.4. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

### XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

13.1. Ушбу Шартнома доирасида пайдо бўладиган низоли масалаларни Тарафлар томонидан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади.

13.2. Талабнома юбориш йўли билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. Алоҳида шартлар

14.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

14.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.3. Пудратчи монтаж ва бурғулаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

14.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин иш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи иш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилади.

14.8. Шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунигача амал қилади.

14.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

#### Пудратчи:

**ООО « UMMUL QURO »**  
г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. А. Фитрат 40А  
Р/с: 2020 8000 3053 5419 3001  
в АКБ «ASIA ALLIANCE BANK» Мирабадский ф-л  
МФО: 01124 ИНН: 308 261 065 ОКЭД: 43990

#### Буюрмачи:

Наименование "MAXSUS  
SUGORISH

USKUNALARINI TAMIRLASH  
VA SAQLAS

Адрес: Ташкент Яшнабадский район города  
Ташкента

Tashkent, Usmon Nosir Kochasi., 158-a-uy

Телефон 5172474 Факс 2503689

ИНН 201012818

Расч. счет 23402000300100001010

Л/С 100021860262877011503110001

Банк РКЦ Главного Управления ЦБ

МФО 00014 ОКЭД 39000 ИНН 401314





## АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ ОГОВОРКИ

1. Стороны заявляют, что:

2. В случае возникновения у Стороны подозрений, что произошло или может произойти нарушение положений п 1. настоящего Договора, соответствующая Сторона обязуется уведомить об этом вторую Сторону, а в случае наличия неопровержимых доказательств факта нарушения норм законодательства Республики Узбекистан в сфере борьбы с коррупцией-также уполномоченные органы в порядке, установленном действующим законодательством.

Стороны их аффилированные (взаимосвязанные) лица и работники, в ходе исполнения своих обязательств по настоящему Договору, не будут совершать действий/бездействий, влекущих нарушение требований действующих законодательных документов Республики Узбекистан в сфере борьбы с коррупцией и/или имеющих коррупционный характер, включая (но не ограничиваясь) дачу или обещание взятки, подкуп, вымогательство, прямое или косвенное согласие на получение взятки.

Стороны, их аффилированные (взаимосвязанные) лица и работники отказываются от стимулирования каким-либо образом работников или уполномоченных представителей другой Стороны, в том числе путем предоставления денежных сумм, подарков, безвозмездного оказания в их адрес услуг или выполнения работ, направленных на обеспечение выполнения этим работником или уполномоченным представителем каких-либо действий/бездействий в пользу стимулирующей его Стороны.

Подрядчик



Заказчик





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"UMMUL QURO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning) tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi ul'qisi)

"UMMUL QURO" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.03.2021

960128

ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana - oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

308261065

ALY

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Farg'ona yo'li,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazish organi qisqartirilgan nomi)







O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сирдарё вилояти

Sirdaryo viloyati 120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Hondamir ko'chasi, 7-uy, Tel. +998 67  
226-06-61, E-mail: sirdaryo\_davekspert@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Gaimov Bo'rriboy Xolbayevich

Sana:07-11-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 68765**

**Obyekt nomi** «"Toshkent shahri Chilonzor tumani 12-kvartaldagi Shirin ko'chasi bo'ylab Shayx-zad ko'chasidan Lutfiy ko'chasigacha sug'orish suv ta'minoti qurilmasini o'rnatish"»

**Buyurtmachi** - Maxsus sug'orish uskunalarini ta'mirlash va saqlash  
ixtisoslashtirilgan boshqarmasi  
**Bosh loyihachi** - "ARX STROY TA'MIR" MCHJ  
Litsenziya AL-000845 15-06-2020 yil  
**Moliyalashtirish manbal** - Byudjet mablag'lari hisobidan  
**Bosh pudratchi** - tanlovi asosida  
**Qurilish turl** qurilish  
**Murojaat raqami:** № 62921

**1. Loyihalash uchun asos**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 30 dekabrda "Respublika ko'kalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora tadbirlari to'g'risidagi" PF-46-sonli Farmoni, Toshkent shahar xokimining 4.08.2022 yildagi 797-14-0-Q/22-sonli qarori

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Loyiha topshiriqnomasi, tarmoq sxemasi, nuqson dalolatnomasi, smeta xujjatlari

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuri**

"Toshkent shahri Chilonzor tumani 12-kvartaldagi Shirin ko'chasi bo'ylab Shayx-zad ko'chasidan Lutfiy ko'chasigacha sug'orish suv ta'minoti qurilmasini o'rnatish", ob'yektning loyihalashtirish ishlari bosh loyixachi "ARX STROY TA'MIR" MCHJ tomonidan, Maxsus sug'orish uskunalarini ta'mirlash va saqlash ixtisoslashtirilgan boshqarmasi tomonidan tasdiqlangan 2022 yildagi loyiha topshiriqnomasi, nuqson dalolatnomasiga asosan ishlab chiqilgan.

Loyihada Toshkent shahri Chilonzor tumani 12-kvartaldagi Shirin ko'chasi bo'ylab Shayx-zad ko'chasidan Lutfiy ko'chasigacha sug'orish suv ta'minoti qurilmasini o'rnatish ishlarini amalga oshirish nazarda tutilgan.

Qurilish maydonchasi loyahasida quyidagi ish turlari ko'rsatilgan:



- Ekskavator yordamida tuproq ishlari -62,16 m<sup>3</sup>
- Qo'l kuchi yordamida tuproq ishlari -4,5 m<sup>3</sup>;
- Diametri 25 mmlik 50 metr, diametri 50 mmlik 1230 metr, diametri 75 mmlik 450 metr, diametri 100 mmlik 66 metr polietilen quvurlar yotqizish;
- Qo'l kuchi yordamida tuproqlarni zichlash- 62,16 m<sup>3</sup>;
- Otvod, koleno mufta, adapter, flanes jihozlari bilan jihozlash.

Tayyorlangan smeta xujjatlari nuqson dalolatnoma hamda chizmalarga asosan ishlab chiqilgan.

#### 4. Loyihalana yotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

sug'orish suv ta'minoti qurilmasini o'rnatish

Tashqi suv ta'minoti.

#### 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Loyiha topshiriqnomasi, bosh reja, nuqson dalolatnomasi, loyiha-smeta xujjatlari,

#### 6. Ekspertiza natijalari.

Joriy narxlardagi resurs smetasida quyidagilar hisobga olingan: Ishchi quruvschilar o'rtacha 1kishi/soat ish xaki 12% ijtimoiy sug'urta ajratmasi bilan 31086,46 so'm. /2022 yil 2 chorak, Toshkent shahar/ Mashina mexanizmlar mash/soat narxlari Qurilish vazirligining 2021 yil 1 yanvar xolatidagi taqdim etgan ro'yxatiga asosan olingan. Materiallar va jihozlar qiymati QURILISH IQTISODIYOTI INSTITUTI"MCNJ tomonidan ishlab chiqilayotgan joriy narxdagi 2022 yil 2 chorak katalogiga asosan olingan.

Ishchi loyihasiga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

1. Tuproq ishlari to'liq qo'l kuchi bilan berilgan. Ushbu pozitsiyani mexanizm bilan chuqur (transheya) punktiga almashtirildi va 10% gacha qo'l kuchi bilan tuproq ishlari uchun berildi.
2. E22-1-21-3 punktini ye22-1-21-2 punktiga almashtirildi.
3. Dastlab buyurtmachi tomonidan qurilish montaj ishlariga QQS bilan 125 418 640 so'm, QQS siz 109 059 687 so'm taqdim etildi. Ekspertiza ko'rigi davomida kamchiliklar bartaraf etilgandan so'ng qaytadan qurilish montaj ishlariga QQS bilan 102 897 351 so'm, QQS siz 89 475 957 so'm taqdim etildi. Pudratchining boshqa xarajatlari 17,27% hisoblangan. Smeta xujjatlardagi kamchiliklar bartaraf etilgandan so'ng, qaytadan taqdim etilgan qiymatdan kamaytirilmadi.
4. Shartnoma bo'yicha import texnologik uskunalarini sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar shaharsozlik hujjatlari ekspertizasidan o'tkazilmaydi.
5. Smeta hujjatlari asosan qayta qurish ishlarining yakuniy harajatlari buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro xujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.
6. Buyurtmachi va pudratchiqurilish montaj ishlarini boshlashdan oldin belgilangan



tartibda tegishli manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim

7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yilvardagi 15-sonli qarorining 4-ilovasiga muvofiq, II bob 8-band va SHNQ 1.03.06-13 da "Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik xujjatlarning sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchiligi bo'yicha) va ishlab chiqaruvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi".
8. Smeta hujjatlarida ko'rsatilgan buyurtmachi va pudratchi ning boshqa harajatlari miqdori bo'yicha shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi majburiyatini o'z zimmasiga olmaydi.
9. Buyurtmachi va loyiha tashkilotiga o'rnatilgan tartib ta'kidida ekspertiza tomonidan berilgan kamchiliklarni bartaraf etgan holda loyiha-smeta hujjatlarini o'zgartirish talabi qo'yilgan. Agar ushbu talab bajarilmasa va loyiha-smeta hujjatlari buyurtmachiga to'liq tuzatishsiz berilsa, ushbu ekspertiza xulosasi harajati emas deb hisoblanadi.

## 7. Xulosalar.

"Toshkent shahri Chilonzor tumani 12-Kvartaldagi 51-11-11 ko'chasi bo'ylab Shayx-zad ko'chasidan Lutfiy ko'chasigacha sug'orish suv ta'mini ta'minlash qurilmasini o'rnatish" ob'yektida ishlarni amalga oshirish bo'yicha tayyorlangan smeta xujjatlari kelgusida kelishish hamda tasdiqlash uchun cheklangan quyidagicha tavsiya etiladi.

Bunda:

- Qurilish montaj ishlari QQS bilan- 102 897 351 so'mni tashkil etadi.
- Qurilish montaj ishlari QQS siz- 89 475 957 so'mni tashkil etadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 22.04.2021 yildagi 684-sonli Qarori va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori talablariga rioya etilgan holda, hamda SHNK 4.01.16-09 ga binoan qurilishning narxi tavsiyaviydir. Tavsiya etilgan bahoni qabul qilish qarorini buyurtmachi va pudratchi birgalikda qabul qiladilar (SHNQ4.01.16-09, 6-bob. 6.4 -bandi).

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi 4-bob 23,24,25 - moddalari xamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 17.09.2021 yildagi 1570 - sonli qarorining 1 - ilova 3 - bob 29 bandiga asosan "Ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik xujjatlarning sifati, dastlabki ma'lumotlarning xaqqoniyligi va qabul qilingan loyiha yechimlari bo'yicha buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti javobgardir".

**Bosh mutaxassis:** Toshbayev O'ktamjon Abdurayimovich



Тасдиқлайман

Махсуе сугорини ускуналарини таъмирлаш  
ва саклаш ихтиёбеслаш иркиран бошкармаси  
Юлдашев А.А.

Энг яхши таклиф буйича эълонга куйилган УСТРОЙСТВО СИСТЕМЫ ПОЛИВА ПО УЛ. ШИРИН НА  
12 КВАРТАЛЕ ЧИЛАНЗАРА(от ул. М. Шейх-Заде до ул. Лутфи) буйича ташиклотлар ургасида таллон  
утказиш буйича комиссия йигилиши

БАЁНИ

Тошкент ш.  
Раислик килувчи  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси  
Комиссия аъзоси

Юлдашев А.А.  
Абдулаттипов Ш.  
Ариджанов Д.  
Кадиржанов А.  
Крымский А.  
Кабулова М.

12.12.2022 год

КУН ТАРТИБИ

Бошкарма томонидан 2022 йил 25.11.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-аниё биржасининг электрон порталига 2210012198215 лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот буйича 2022 йил 06.12.2022 энг яхши таклифларни таллаш савдосини утказиш буйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шакланган «УСТРОЙСТВО СИСТЕМЫ ПОЛИВА ПО УЛ. ШИРИН НА 12 КВАРТАЛЕ ЧИЛАНЗАРА(от ул. М. Шейх-Заде до ул. Лутфи)» иши буйича байномасига асосан эълон якунига комиссия аъзолари томонидан UMMUL QURO МЧЖ голиб деб топилганлиги инобатга олиб.

КАРОР КИЛИНДИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги давлат харидлари тугрисидаги 684-сонли қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия байномаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун 2 иш кунига жойлаштирилди. 2 кун иш кунни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган байнома буйича ҳеч қандан этирозлар ёки қушимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Бошкарма бош бухгалтери М.Кабуловага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда кмиссия аъзоларининг 2022 йил 06.12.2022 даги электрон байномасига асосан голиб UMMUL QURO МЧЖ билан қонуқчилигида уриятилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзоси

Абдулаттипов Ш.

Комиссия аъзоси

Ариджанов Д.

Комиссия аъзоси

Кадиржанов А.

Комиссия аъзоси

Крымский А.

Комиссия аъзоси

Кабулова М.

Байномани ёзиб олди Хақимова Р.